

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА САОДАТ ТУРСУНБАЕВНА

**ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИ АСОСИДА ДИУРЕТИК ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ФАРМАКО-
ТЕХНОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ**

15.00.01 - дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor philosophy dissertation(PhD)

Шарипова Саодат Турсунбаевна

Ўсимлик хом ашёлари асосида диуретик дори воситаларини ишлаб чиқиш-нинг фармакотехнологик аспекти.....3

Шарипова Саодат Турсунбаевна

Фармакотехнологические аспекты разработки диуретических лекарственных средств на основе растительного сырья.....21

Sharipova Saodat Tursunbaevna

Pharmacological aspects of the development of diuretic medicines based on plant raw materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА САОДАТ ТУРСУНБАЕВНА

ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИ АСОСИДА ДИУРЕТИК ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ФАРМАКО-
ТЕХНОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

15.00.01 - дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Far17 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Юнусова Холида Маннановна фармацевтика фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Зайнутдинов Хикматилла Суннатович фармацевтика фанлари доктори, профессор Тагиева Эльмира Исмаиловна фармацевтика фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | А.Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. FAR. 32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz.)

Диссертацияси билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.И.Алимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда диуретик препаратлар юрак етишмовчилиги симптомлари ривожланишига олиб келадиган артериал гипертонияда кенг қўлланилади. Ҳозирда артериал гипертония кенг тарқалган ноинфекцион патология сифатида тавсифланмоқда ва унинг тарқалиши эпидемиологик характерга эга. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ)нинг маълумотига кўра, «дунёни ўрта ёшли аҳолисининг 20–30% ушбу патология билан жабрланган, 65 ёшдан катталарда эса артериал гипертония тарқалиши 2 баробар ортади ва 50-65% ташкил қилади»¹. Шунинг учун маҳаллий доривор ўсимликлардан самарадорлиги бўйича хорижий аналоглардан фарқ қилмайдиган диуретик дори воситаларни ишлаб чиқиш замонавий фармацевтика саноатининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ўсимлик хом ашёлари асосида юқори самарали безарар дори препаратлар, жумладан артериал гипертонияни даволашда қўлланиладиган дори воситалар таркибини аниқлаш, уларнинг инновацион технологиясини ва замонавий таҳлил усуллари яратиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хориждан импорт килинаётган дори воситаларининг улушини камайтириш, маҳаллий фармацевтик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош препаратлар ассортиментини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, генерик ва оригинал препаратларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, ҳавфсиз ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда «Зомин-фарм», «Паркент-фарм», «Сирдарё-фарм», «Косонсой-фарм», «Бўстонлик-фарм», «Нукус-фарм» каби иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этилиши, аҳолини самараси юқори дори препаратлари билан таъминлашда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, илғор замонавий таҳлил усуллари билан фойдаланиб ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 23

¹ Климов А. В., Денисов Е. Н., Иванова О. В. Артериальная гипертензия и ее распространенность среди населения // Молодой ученый. - 2018.- №50.- С. 86-90.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация изланишларида қўлланилган ўсимликлар таркибидаги биофаол моддаларни ўрганиш, стандартлаш бўйича республикамиз олимлар Х.М.Комилов ва Ф.Ф.Ўрмоновларнинг олиб борган тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар томонидан ҳар томонлама ўтказилган комплекс тадқиқотлари натижасида диуретик таъсирга эга таркибида иккита ўсимлик хом ашёси: тубулғибаргли бўймадарон гуллари - *Achillea filihndulinae* L. ва доривор қашқарбеда ўти - *Melilotus officinalis* Desr. ни 1:1 нисбатда сақловчи “Мелифлос” йиғмаси таклиф этилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалиётга қўллашга рухсат этилган.

Дунё миқёсида ўсимлик хом ашёларидан дори препаратлари яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Р.В. Дудкин, В.В.Кисличенко, А.Н. Темирбулатова, А.А. Щипанова, С.Н. Башкирова, А.И. Зиновьев, Н.В.Никитина, М.М.Миронова, С.И.Степанова, С.С.Камаева, K.Si-borne, D.Blumberg, G.Visser, B.Noto, R.Beitz, G.BMensink, B.Tisher, M.Thamm, Sun-Myeong Osk, Seung-Sik Hwang, Hoyeon Co, Sungy Park, Jeong-Su Park олиб бораётган илмий ишлари аҳамиятга лойиқ.

Ушбу диссертация ишида Ўзбекистонда ўсадиган тубулғибаргли бўймадарон ва доривор қашқарбедани 1:1 нисбатда сақловчи комплекс фитопрепарат - «Мелифлос» йиғмасидан илк бор пешоб ҳайдовчи таъсирга эга препаратларнинг таркиб ва технологияси яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳали олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади диуретик таъсирга эга «Мелифлос» йиғмаси асосида қуруқ экстракт, таблетка ва капсула дори турлари технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қуруқ экстракт, таблетка ва капсула шаклидаги диуретик таъсирга эга

препаратларнинг илмий асосланган таркиби ва технологиясини танлаш, тайёр маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва ишлаб чиқариш технологияларининг асосий мезонларини аниқлаш;

тавсия қилинган препаратларнинг таъсир этувчи моддаларини миқдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;

тавсия этилаётган таркиб ва технологияда олинган таблетка ва капсулаларнинг фармакотехнологик хоссаларини *in vitro* усулида ўрганиш;

тавсия этилаётган куруқ экстракт, таблетка ва капсулаларнинг сақланиш шароити ва яроқлилик муддатини белгилаш;

тавсия этилаётган дори препаратларини тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий - техник ҳужжатларни тайёрлаш ва ЎзР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий ашё ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК га тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўз таркибида иккита ўсимлик хом ашёси: тубулғибаргли бўймадарон гуллари - *Achillea filifoliosa* L. ва доривор қашқарбеда ўти - *Melilotus officinalis* Desr. ни 1:1 нисбатда сақловчи комплекс фитопрепарат - «Мелифлос» йиғмаси, дихлотиазид ва улар асосида олинган дори шакллари танланган.

Тадқиқотнинг предмети диуретик таъсирга эга дори воситаларининг истеъмолга қулай экстракт, таблетка ва капсула дори шаклларининг таркиби, технологияси ва сифат меъёрларини ишлаб чиқиш, стандартлаш ва яроқлилик муддатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда дастлабки хом ашё ва ёрдамчи моддаларнинг технологик хоссалари аниқлашда физик кимёвий усуллардан фойдаланилди. Тавсия этилаётган препаратларнинг миқдорий таҳлили спектрофотометрия ва хроматоспектрофотометрия усулларда; парчаланувчанлиги, эришини аниқлаш «айланма кажава» асбобида *in vitro* усулида ва лаборатория идентификаторида амалга оширилди. Натижаларнинг статистик таҳлилида Стьюдент критерийсидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор диуретик таъсирга эга «Мелифлос» йиғмаси асосидаги дори турлари таркиби ва технологияси яратилган;

«Мелифлос» йиғмаси асосида куруқ экстракт олишнинг муайян шароитлари ва рационал технологиялари ишлаб чиқилган;

диуретик таъсирга эга бўлган «Мелифлос» таблеткаси ва капсуласининг илмий асосланган муайян таркиблари ва технологиялари яратилган;

«Мелифлос» куруқ экстракти асосидаги «Мелтиазид» комбинирланган таблеткалар таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

биофармацевтик жиҳатдан тавсия этилаётган дори турларининг юқори биосамарадорлиги исботланган;

турли кадоқлов материалларига кадоқланган таблетка ва капсула дори турларининг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

маҳаллий ўсимлик хом ашёдан юқори диуретик фаолиққа эга курук экстракт ва унинг асосида қаттиқ дори турлари технологияси ишлаб чиқилган;

«Мелифлос» таблеткасининг тажриба-саноат регламенти ҳамда меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий технологик, физик, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик ва статистик усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда саноат-тажриба шароитдаги синови билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий доривор ўсимликлардан диуретик таъсир кўрсатувчи «Мелифлос» курук экстракти, таблеткалари ва капсулалари ҳамда «Мелтиазид» комбинирланган таблеткаларининг муайян таркиби ва технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Мелифлос» таблеткаларини ишлаб чиқариш технологияси бўйича МЧЖ «САМО» билан ҳамкорликда тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги ҳамда ушбу экстракт ва дори препаратига корхона фармакопея мақолалари лойиҳалари ЎЗР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» Давлат унитар корхонасига қўриб чиқиш учун тақдим этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диуретик таъсирга эга дори препаратларининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Мелифлос» курук экстракти ва таблеткалари учун корхона фармакопея мақолалари лойиҳалари ЎЗР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» Давлат унитар корхонасига тақдим этилган (2019 йил 31 майдаги №29/01-346-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу корхона фармакопея мақолаларининг тасдиқланиши диуретик таъсир этувчи дори воситаларини олиш имконини беради;

«Мелифлос» таблеткаларини ишлаб чиқариш технологияси бўйича тажриба-саноат регламенти (ОПР 2072225- 03-19) МЧЖ «САМО» билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКнинг 2019 йил 31 майдаги №29/01-346-сон хати). Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида диуретик дори воситалар учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 30 та, жумладан 13 халқаро ва 17 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг томонидан фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 10 та республика ва 1 та ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик хом ашёлари асосида дори препаратларини яратиш асослари**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда диуретик препаратларни ишлаб чиқишда ўсимлик хом ашёларидан фойдаланишнинг аҳамияти, «Мелифлос» йиғмасининг бошланғич компонентлари - тубулғибаргли бўймадарон ва доривор қашқарбеда ҳақида умумий маълумотлар келтирилган. Адабиётлар шарҳида аҳолини дори воситалари билан таъминлашда таблетка ва капсулаларнинг тайёр дори турлари арсеналида тутган ўрни, табиий диуретик препаратларни яратиш ҳолати ва истиқболлари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Бўймадарон ва доривор қашқарбеда асосида дори препаратлар яратиш борасидаги тадқиқотлар**» деб номланган иккинчи бобида куруқ экстракт технологиясини ишлаб чиқиш, экстракция ва қуритиш жараёнига технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш, куруқ экстрактнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш, субстанция ва прессланадиган массанинг технологик хоссаларини аниқлаш, таблетка ва капсулаларнинг муайян технологиясини танлаш натижалари келтирилган.

Тажирибаларда «Мелифлос» йиғмасидан биологик фаол моддаларни ажратиб олишнинг муайян шароитларини аниқлаш мақсадида экстракция жараёнининг самарадорлигига таъсир этувчи турли омиллар: экстрагент тури, хом ашёнинг майдалик даражаси, гидромодуль, жараённинг

давомийлиги ва экстракциялар сони, экстракция олиб борилган ҳарорат кабилар ўрганилди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Экстрактив моддалар ва флавоноидлар йиғиндисини ажралиб чиқишига экстрагент турининг таъсири

| Экстрагент | Экстрактив моддалар миқдори, % | Флавоноидлар йиғиндисини миқдори, % |
|-----------------|--------------------------------|-------------------------------------|
| Тозаланган сув | 19,25 | 0,052 |
| 30% этил спирти | 18,50 | 0,049 |
| 40% этил спирти | 17,31 | 0,047 |
| 70% этил спирти | 15,45 | 0,039 |
| 90%-этил спирти | 12,57 | 0,033 |

Тадқиқотларда хом ашёнинг майдалик даражаси 1 - 2 мм бўлганида флавоноидлар йиғиндисининг унуми уларнинг хом ашёдаги миқдорига нисбатан олганда максимал - 92,10% бўлиши аниқланди. Флавоноидлар йиғиндисининг унуми экстракция давомийлиги билан чизиқли боғлиқликда эканлигини, икки мартаба ўтказилган экстракция эса хом ашёдан ўртача 85-90% биофаол моддаларнинг ажралиб чиқишини таъминлашини кўрсатди.

Экстракция қилинган хом ашё (шрот) таркибида қолиб кетадиган фаол моддаларнинг миқдори (йўқотиш) - 8-12% ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

Асосий омилларнинг экстракция жараёнига таъсири

| Экстракция шарт-шароитлари | Флавоноидлар йиғиндисининг унуми уларнинг хом ашёдаги миқдорига нисбатан, % | |
|--|---|-------|
| Хомашёнинг майдалик даражаси, мм | 2 мм дан йирикроқ | 38,45 |
| | 1 – 2 мм | 92,10 |
| | 1 мм дан майдароқ | 46,15 |
| Экстракция жараёни олиб борилган ҳарорат, °С | 30-40 | 32,98 |
| | 50-60 | 38,89 |
| | 70-80 | 54,43 |
| | 90-100 | 92,15 |
| Умумий гидромодуль | 1:10 | 92,24 |
| | 1:20 | 87,42 |
| | 1:30 | 79,67 |
| | 1:40 | 65,76 |
| Экстракция давомийлиги, дақ | 10 | 65,89 |
| | 20 | 76,54 |
| | 30 | 85,60 |
| | 40 | 92,40 |

Тадқиқотлар асосида куруқ экстрактнинг қуйидаги технологияси ишлаб чиқилди: «Мелифлос» йиғмасига қирувчи хом ашёлар 2 мм гача майдаланади, устидан 1:10 нисбатда 90-100⁰С сув қуйилади ва 40 дақиқа давомида экстракция қилинади. Олинган суюқ экстракт 40⁰С ҳароратда 0,69 мПа босимда дастлабки суюқлик ҳажмининг тахминан 1/10 қолгунича буғлатилади.

Кубдаги сувли қолдиқ идишга қуйиб олинади ва ажратилади. Тозаланган экстракт $5,2 \text{ кг/см}^3$ ($0,52 \text{ МПа}$) босимда ва киришда 200°C , чиқишда эса 80°C ҳароратда қуритилади. Суюқлик оқими тезлиги $2,0\text{-}2,5 \text{ л/с}$ оралиғида сақлаб турилади.

Тадқиқотларда пурқаб қуритиш усули массанинг суюқланиб кетишига олиб келди ва вакуум қуритиш усулидан фойдаланишга қарор қилинди. Олинган куруқ экстрактнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

«Мелифлос» куруқ экстрактининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари

| Кўрсаткичлар | Олинган натижалар | Аниқлаш усули |
|---|---|--|
| Ташқи кўриниши | Ранги қизилдан тўқ-кўнғиргача бўлган, ўзига хос (специфик) хидли, гигроскопик, аморф кукун | XI ДФ, 2-жилд, органолептик |
| Чинлиги: а) флавоноидлар йиғиндиси б) кумаринлар в) кверцетин | мос келади Спектрнинг УБ соҳасидаги ютиш (max $271\pm 3 \text{ нм}$); Спектрнинг УБ соҳасидаги ютиш (max $430\pm 3 \text{ нм}$) | цианидин реакцияси УБ-спектрофотометрияси УБ-спектрофотометрияси |
| Оғир металллар, % | 0,01 дан кам | XI ДФ, 2-жилд, 161-б. |
| Намлик, % | 4,45 | XI ДФ, 2-жилд, 161-б. |
| Микробиологик тозалик | мос келади | XI ДФ, 2-жилд, 193-б. ва 29.09.2005 й. даги 2-сон ўзгартиришлар |

Шунингдек, олинган кўрсаткичларга таянган ҳолда «Мелифлос» куруқ экстракти юқори гигроскопикликка эгаллиги кўринди. Масалан, атрофмуҳитнинг нисбий намлиги 58%, 79%, 90% ва 100% бўлганида 7 кундан сўнг ютиб олинган намлик миқдори мос равишда 78,92%, 90,86%, 106,67% ва 121,55%ни ташкил этди. Технологик кўрсаткичларни ўрганиш куруқ экстракт заррачаларининг катта қисми (32,20%) 250 мкм дан кичикроқ ўлчамга эга эканлигини кўрсатди. У қониқарсиз сочилувчанлик ($0,601 \cdot 10^{-3} \text{ кг/с}$), кичик сочилувчан зичлик ($241,35 \text{ кг/м}^3$), юқори зичланиш коэффициенти, табиий оғиш бурчаги (44 градус) ва қолдиқ намлик (10,23% гача) эга бўлди.

«Мелифлос» таблеткаларининг оптимал таркибини танлаш ва рационал технологиясини ишлаб чиқиш

Тадқиқотларнинг бу босқичида тўғридан-тўғри пресслаш усулида «Мелифлос» таблеткаларини олганда прессланадиган массанинг прессинструментга ёпишиб қолиш ҳолати кузатилди ва кейинги тадқиқотлар нам донадорлаш усулидан фойдаланилди. Бунда лактоза, сахароза, крахмал, целлюлоза ҳосилалари (МКЦ, ГМПЦ), кальций карбонат каби ёрдамчи моддаларни ишлатиш имконияти ўрганилди. Парчалантирувчи сифатида картошка крахмали, антифрикцион модда сифатида эса кальций стеарат ишлатилди. Намлаш учун тозаланган сув, қанд қиёми, турли

концентрациялардаги этил спирти (30, 40, 50, 70, 90%) ва 2-10% крахмал шилимшиғи ишлатилди. Паст концентрацияли крахмал шилимшиғи таблеткалар қаттиқлигини камайтириши, юқори концентрациялиги эса таблеткаларнинг парчаланиш вақтини узайтириши аниқланди. Сув ва қанд қиёми ишлатилганда кумоклар ҳосил бўлиб, тайёр маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатди. Турли концентрациялардаги этил спиртининг қўлланиши сифатли гранула олиш имконини берди.

Барча таркиблар бўйича олинган таблеткалар қаттиқлиги бўйича XI ДФ талабларига жавоб берди. Турли ёрдамчи моддалардан фойдаланиб ўрганилган бир қатор таркибларда олинган таблеткалар қониқарсиз парчаланиш вақтига - 20 дақ. эга бўлди. Прессланадиган масса таркибига МКЦ ва крахмалнинг тенг миқдорда киритилиши парчаланиш вақтини қисқартирди, бироқ ушбу таблеткалар талаб даражасидаги қаттиқликка эга бўлишмади. Сахароза ишлатилганда гранулятнинг пресс-инструмент юзасига ёпишиб қолиши кузатилди. Лактоза, МКЦ ва кальций стеарати сақлаган таркиб бўйича олинган таблеткалар XI ДФ талабларига жавоб берди (4-жадвал).

4-жадвал

«Мелифлос» таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

| Сифат кўрсаткичлари | Натижалар |
|---|---------------------------------|
| Ташқи кўриниши | Жигар рангли ҳолдор таблеткалар |
| Таблетка баландлигини унинг диаметрига мутаносиблиги, % | 38 |
| Ўртача оғирлиги ва ундан четланиш, % | 0,501±3,45 |
| Синишга бўлган қаттиқлиги, Н | 58,2 |
| Ишқаланишга бўлган қаттиқлиги, % | 99,71 |
| Парчаланиши, дақ | 11 |
| Эриши, % | 97,5 |

Ишлатилган ёрдамчи моддаларнинг мажмуаси субстанциянинг технологик хоссаларини яхшилади: прессланадиган массанинг сочилувчанлиги ва сочилувчан зичлиги 2-3 баробар ортди. Донадорлаш заррачалар ўлчамларининг анча йириклашишига олиб келди ва массанинг асосий қисми -1000+500 мкм фракциясига тўғри келди. Прессланадиган массанинг табиий оғиш бурчаги (30 градус), прессланиш (1,23) ва зичланиш (2,5) коэффицентлари куруқ экстрактнинг шу кўрсаткичларидан ижобий чиқди.

«Мелтиазид» комбинирланган таблеткаларининг оптимал таркиб ва технологиясини ишлаб чиқиши

Ушбу босқич тадқиқотларда объект сифатида «Мелифлос» куруқ экстракти ва дихлотиазиддан фойдаландик. Тадқиқотлар натижасида куруқ экстрактнинг ва дихлозид кукунининг технологик хоссаларининг салбий натижа кўрсатганлиги сабабли ёрдамчи моддалар қўлладик. 5-жадвалда бири-бирига яқин кўрсаткичли 5 та таркиб бўйича прессланадиган массасининг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилди.

«Мелтиазид» прессланадиган массасининг технологик хоссаларини ўрганиш натижалари

| Ўрганилаётган кўрсаткичлар | Олинган натижалар (таркиблар бўйича) | | | | |
|--------------------------------------|--------------------------------------|--------|--------|--------|--------|
| Фракцион таркиб, мкм, %: | | | | | |
| +2000 | 15,19 | 11,10 | 9,10 | 12,52 | 14,05 |
| -2000+1000 | 22,50 | 24,05 | 23,06 | 21,43 | 31,34 |
| -1000+500 | 37,19 | 39,23 | 36,85 | 36,45 | 27,67 |
| -500+250 | 19,87 | 21,57 | 25,32 | 24,71 | 21,79 |
| -250 | 5,25 | 3,60 | 5,67 | 4,89 | 5,20 |
| Сочилувчанлик, 10 ⁻³ кг/с | 2,55 | 2,42 | 3,45 | 4,34 | 2,67 |
| Табий оғиш бурчаги, градус | 35,56 | 40,16 | 37,96 | 34,11 | 39,78 |
| Сочилма зичлик, кг/м ³ | 721,34 | 754,32 | 767,04 | 744,34 | 765,81 |
| Прессланувчанлик, Н | 32,56 | 37,45 | 41,23 | 39,11 | 40,77 |
| Зичланиш коэффиценти | 1,99 | 1,54 | 1,78 | 1,80 | 1,65 |
| Қолдиқ намлик, % | 4,98 | 5,71 | 4,81 | 5,07 | 4,89 |

Олинган натижалар кўшилган ёрдамчи моддалар технологик хоссани ўзгартирганини кўрсатди. Фракцион таркиб ўзгарган, прессланувчанлик 80 дан 41га тушган. Қолдиқ намлик эса 10,42% дан 5,71% га тушган ва бу кўрсаткич ўз навбатида кукуннинг адгезион хоссаларига таъсир кўрсатган.


Тавсия этилаётган таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 6-жадвалда келтирилди. Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики 4-таркибда олинган таблеткалардан бошқалари талаб даражасида эмас.

6-жадвал

«Мелтиазид» таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

| Ўрганилган хоссалар | Таркиблар | | | | |
|-------------------------------------|---------------------------------|------------|------------|------------|------------|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Ташқи кўриниши | Жигар рангли ҳолдор таблеткалар | -//- | -//- | -//- | -//- |
| Ўртача оғирлик ва ундан четланиш, % | 0,501±3,39 | 0,511±5,12 | 0,490±5,56 | 0,501±4,33 | 0,502±3,67 |
| Синишга бўлган қаттиқлик, Н | 25 | 26 | 25 | 55 | 25 |
| Ишқаланишга бўлган қаттиқлик, % | 85,33 | 87,45 | 60,78 | 87,45 | 64,20 |
| Парчаланувчанлик, дақ. | 14 | 16 | 18 | 12 | 17 |
| Эрувчанлик, % | 97,5 | 90,4 | 97,8 | 99,1 | 97,7 |

«Мелифлос» ва «Мелтиазид» таблеткаларини олиш технологик жараёни схемаси 1-расмда келтирилди.



1-расм. «Мелифлос» ва «Мелтиазид» таблеткаларини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси

«Мелифлос» капсулаларининг оптимал таркибини танлаш ва рационал технологиясини ишлаб чиқиши

Ўрганилган «Мелифлос» қуруқ экстрактининг салбий технологик хоссалари капсула дори шаклини яратишда ёрдамчи моддалардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатди. Тажрибаларда қуруқ экстрактнинг сочилма зичлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб капсула ўлчамини аниқлаш мақсадида қуруқ экстракт қанча ҳажмни эгаллаши аниқланди.

7-жадвалда олинган натижалар келтирилди.

7-жадвал

«Мелифлос» капсуласи учун муайян ўлчамни танлаш натижалари

| Капсула ўлчами | Капсула сифимининг ўртача ҳажми, см. куб. | 0,3г қуруқ экстрактнинг эгаллаган ҳажми, % | Капсуланинг бўш ҳажми, % |
|----------------|---|--|--------------------------|
| 000 | 1,37 | 11,7 | 88,3 |
| 00 | 0,95 | 16,8 | 83,2 |
| 0 | 0,68 | 23,5 | 76,5 |
| 1 | 0,5 | 32,0 | 68,0 |
| 2 | 0,37 | 43,2 | 56,8 |
| 3 | 0,30 | 53,3 | 46,7 |
| 4 | 0,21 | 76,2 | 24,8 |
| 5 | 0,13 | > 100 | — |

Кўриниб турибдики. №5 ўлчамли капсула бизнинг массамизни жойлашга тўғри келмайди, яъни терапевтик доза тўлиқлигича бу сифимга сифмайди. Бу мақсадда биз №3 ёки №4 капсулалардан фойдаланишимиз мумкин экан. «Мелифлос» капсуласи учун муайян таркиб танлаш мақсадида бир қатор ёрдамчи моддалардан фойдаланилди. Бу мақсадда бир қатор ёрдамчи моддаларнинг қуруқ экстракт билан аралашмасининг технологик хоссалари ўрганилди.

Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

«Мелифлос» капсуласи учун муайян таркиб танлаш борасидаги тадқиқот натижалари

| № | Қуруқ экстрактнинг ёрдамчи моддалар билан аралашмаси | Сочилувчанлик, г/сек | Табий оғиш бурчаги, градус | Сочилма зичлик кг/м ³ | Ҳажмий зичлик, г/куб. см. | Нам ютиш, % |
|---|--|----------------------|----------------------------|----------------------------------|---------------------------|-------------|
| 1 | Магний оксиди | 5,01 ± 0,11 | 46 ± 5 | 0,49 ± 0,06 | 0,79 ± 0,02 | 5,65 ± 0,15 |
| 2 | Сахароза | 4,91 ± 0,11 | 36 ± 5 | 0,60 ± 0,10 | 0,78 ± 0,03 | 7,91 ± 0,11 |
| 3 | Лактоза | 5,99 ± 0,12 | 30 ± 5 | 0,57 ± 0,05 | 0,79 ± 0,06 | 7,98 ± 0,15 |
| 4 | Картошка крахмали | 6,10 ± 0,14 | 35 ± 5 | 0,54 ± 0,10 | 0,69 ± 0,09 | 9,54 ± 0,11 |
| 5 | Аэросил | 6,78 ± 0,11 | 32 ± 5 | 0,43 ± 0,12 | 0,55 ± 0,06 | 3,43 ± 0,12 |
| 6 | Магний карбонати | 4,95 ± 0,14 | 39 ± 5 | 0,47 ± 0,11 | 0,82 ± 0,05 | 5,11 ± 0,10 |
| 7 | Кальций карбонат | 6,94 ± 0,10 | 35 ± 5 | 0,55 ± 0,11 | 0,78 ± 0,09 | 5,51 ± 0,15 |

Олинган натижалар аэросил ишлатилган аралашмада сочилувчанлик нам ютиш кўрсаткичлари пасайгани ҳисобига яхшиланганини кўрсатди. Бундан ташқари сочилма зичликнинг бир-бирига яқинлиги уларнинг прессланувчанлигини камайтиради. Бу кўрсаткич капсулаларни ташиш ва сақлашда қўл келади.

Кейинги босқич тадқиқотлар ёрдамчи моддаларнинг сочилувчанликка таъсирини ўрганишга бағишланди. Жадвалдан кўриниб турибдики, ёрдамчи моддаларнинг нам ютиш кўрсаткичи бир-бирига яқин бўлмаган кўрсаткичларни намоеён қиляпти ва ўз-ўзидан сочилувчанлика турли таъсир кўрсатаяпти. Кальций карбонат, магний оксид, магний карбонат куруқ экстракт билан юқори намлик сақлашига қарамасдан ижобий сочилувчанликни намоеён қиляпти. Барча кўрсаткичлар бўйича аэросил билан куруқ экстракт композицияси ижобий натижалар кўрсатди. Маълумки, аэросил сочилувчанликни йўқотмагани ҳолида 40% гача сувни шимиб олиш хусусиятига эга. Шунингдек, 0,05–1% концентрацияда аэросил кукун аралашмасини сочилувчанлигини яхшилайди. 1–2% концентрацияда эса яхши парчалантирувчи таъсирга эга. Шу сабабли тадқиқотларимизда таркибга неча фоиз аэросил қўшиш лозимлиги аниқланди. Кейинги босқичларда «Мелифлос» куруқ экстрактини сочилувчанлигини яхшилаш мақсадида аэросил концентрациясини танлаш борасида тадқиқотлар олиб борилди.

0,3–0,5% аэросил қўшилганда композиция сочилувчанлиги 1,2 дан 1,6 мартагача ортгани кузатилди. Сочилувчанлик 1,6 марта ошгани сабабли кейинги тадқиқотларда антифрикцион модда сифатида аэросил 0,3–0,5% миқдорда ишлатилди.

Кейинги тадқиқотларда аэросилли композициянинг нам ютиш динамикаси ўрганилди. 2% концентрациядаги аэросил композициянинг сезиларли даражада нам ютишини камайтириши ва аэросил миқдорини 2% дан ортиши композициянинг нам ютишига деярли таъсир этмаслиги кузатилди. Шу сабабли аэросилнинг миқдорини 2% гача олиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Аммо аэросилнинг катта сочилма зичлиги ҳисобига таъсир этувчи модда билан қўшганда кичик ўлчамли капсула сифими етарли эмаслиги аниқланди. Шу сабабли тўлдирувчини танлаш борасида тадқиқотлар олиб борилди ва олинган натижалардан келиб чиқиб тўлдирувчи сифатида магний карбонат олиш мақсадга мувофиқ деб белгиланди. Шундай қилиб, № 1 ўлчамли капсула танлаб олинди. Бунда капсулаланган массанинг ўртача оғирлиги - 0,5г. Олинган капсулаларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш уларнинг талаб даражасида эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Бўймадарон ва доривор қашқарбеда асосида олинган препаратлар таъсир этувчи моддаларини миқдорини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида «Мелифлос» йиғмаси асосида олинган препаратлар таъсир этувчи моддаларини миқдорини аниқлаш борасидаги тадқиқотлар келтирилди. «Мелифлос» куруқ экстрактининг биофаол моддалари бўлиб флавоноидлар йиғиндиси ва кумаринлар ҳисобланади. Шу сабабли миқдорий таҳлил усулларининг асоси қилиб замонавий сезгир

усуллардан спектрофотометрия ва хроматоспектрофотометрия усуллари танланди. Олиб борилган тадқиқотлар асосида «Мелифлос» куруқ экстракти, таблеткаси ва капсуласи ҳамда «Мелтиазид» комбинирланган таблеткалари таркибидаги флаваноидлар йиғиндиси ва кумаринлар миқдорини аниқлаш мақсадида спектрофотометрик ва хроматоспектрофотометрик миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилди. Бу усуллар тайёр маҳсулотнинг сифатини баҳолашда ва эрувчанлик тестини таҳлил қилишда қўллаш учун тавсия этилди.

Диссертациянинг «Тавсия этилаётган препаратларнинг фармакотехнологик аспектларини *in vitro* ва *in vivo* усулларида ўрганиш борасидаги тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи бобида *in vitro* ва *in vivo* тажрибаларида олиб борилган биофармацевтик тадқиқотлар натижалари келтирилган. «Мелифлос» ва «Мелтиазид» таблеткалари илк бор ишлаб чиқилганлиги боис «Эриш тести» ни ишлаб чиқиш, яъни тажриба ўтказиладиган шароитларни илмий жиҳатдан асослаш керак. Маълумки, фаол модданинг ажралиб чиқиш тезлиги эритувчи муҳитнинг ҳажми ва рН ҳамда кажаванинг айланиш тезлиги каби омилларга боғлиқ.

Эритувчи муҳит ҳажми миқдорий таҳлил усулининг сезгирлигидан келиб чиққан ҳолда танланди. У 1000 мл ни ташкил этди. Кейинги тадқиқотлар эритувчи муҳитнинг оптимал рН ни танлашга қаратилди. Шу мақсадда, рН қиймати турлича бўлган эритувчи муҳитлар: тозаланган сув - нейтрал муҳит сифатида, 0,1моль/л хлорид кислотаси эритмаси – кислотали муҳит сифатида ва 0,1моль/л натрий гидроксид эритмаси – ишқорий муҳит сифатида ишлатилди (9-жадвал).

Олинган маълумотлар эритувчи муҳит сифатида тозаланган сувдан фойдаланилганда фаол модда дори туридан кўпроқ (89,7%) ажралиб чиқишини кўрсатди. 0,1моль/л хлорид кислотаси эритмаси ва 0,1моль/л натрий гидроксид эритмасидан фойдаланилганда нисбатан кичикроқ қийматли кўрсаткичлар олинди - мос равишда 51,4% ва 62,0%.

9-жадвал

Эритувчи рН муҳитининг «Мелифлос» ва «Мелтиазид» таблеткаларидан фаол моддаларни ажралиб чиқиш тезлигига таъсирини ўрганиш натижалари

| Ўрганилаётган шароит | | | Тавсия этаётган таблеткалар ва уларнинг таъсир этувчи ингредиентлари | | | | | |
|----------------------|-----------|--------------|--|------------|--------------|------------|-------------|----|
| | | | «Мелифлос» | | «Мелтиазид» | | | |
| | | | Флаваноидлар | Кумаринлар | Флаваноидлар | Кумаринлар | Дихлотиазид | |
| | | | Концентрация, % | | | | | |
| Ўрганилган муҳитлар, | нейтраль | Вақт, дақиқа | 15 | 39 | 37 | 25 | 55 | 55 |
| | | | 30 | 51 | 49 | 33 | 43 | 43 |
| | | | 45 | 81 | 75 | 39 | 47 | 47 |
| | кислотали | Вақт, дақиқа | 15 | 28 | 31 | 31 | 55 | 55 |
| | | | 30 | 29 | 30 | 31 | 43 | 43 |
| | | | 45 | 29 | 33 | 37 | 47 | 47 |
| | ишқорий | Вақт, дақиқа | 15 | 30 | 40 | 54 | 55 | 56 |
| | | | 30 | 29 | 36 | 62 | 57 | 63 |
| | | | 45 | 32 | 44 | 75 | 76 | 85 |

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, «Мелифлос» таблеткалари таркибидаги фаол моддаларнинг эритувчи муҳитга ажралиб чиқиши нейтрал муҳитда, «Мелтиазид» таблеткаларидан эса - ишқорий муҳитда ижобий бўлди. Тажрибаларнинг алоҳида туркумида фаол моддаларнинг тўлиқ ажралиб чиқишига кажава айланиш тезлигининг таъсири (50, 100, 150 ва 200 айл/дақ) ўрганилди.

Олинган натижалар 10-жадвалда келтирилди.

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар асосида айланма кажаванинг дақиқасига 100 ва ундан катта айланиш тезлигида биофаол моддалар эритувчи муҳитга интенсив ажралиб чиқди.

Иқтисодий томонлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб «айланма кажава» нинг айланиш тезлиги дақиқасига 100 маротаба бўлиши мақсадга мувофиқ деб белгилаб олинди ва бу кўрсаткичлар МХлар мажмуасида ўз аксини топди.

10-жадвал

Тавсия этилаётган таблеткалар таъсир этувчи моддаларининг ажралиб чиқишига айланма кажава тезлигининг таъсирини ўрганиш натижалари

| Ўрганилаётган шароит | | | Тавсия этилаётган таблеткалар ва уларнинг таъсир этувчи ингредиентлари | | | | |
|---------------------------------|-----|----|--|------------|--------------|------------|-------------|
| | | | «Мелифлос» | | «Мелтиазид» | | |
| | | | Флаваноидлар | Кумаринлар | Флаваноидлар | Кумаринлар | Дихлотиазид |
| | | | Концентрация, % | | | | |
| Айланма кажава тезлиги, ай/дақ. | 50 | 15 | 33 | 34 | 28 | 52 | 56 |
| | | 30 | 51 | 53 | 34 | 58 | 62 |
| | | 45 | 66 | 65 | 37 | 67 | 67 |
| | 100 | 15 | 58 | 54 | 55 | 54 | 61 |
| | | 30 | 68 | 60 | 71 | 65 | 75 |
| | | 45 | 88 | 83 | 87 | 89 | 97 |
| | 150 | 15 | 49 | 42 | 45 | 58 | 59 |
| | | 30 | 77 | 55 | 48 | 64 | 68 |
| | | 45 | 85 | 89 | 68 | 77 | 75 |
| | 200 | 15 | 45 | 43 | 56 | 54 | 57 |
| | | 30 | 65 | 76 | 69 | 69 | 69 |
| | | 45 | 82 | 84 | 87 | 93 | 85 |

Юқоридагиларга асосланиб, тайёр маҳсулот сифатини биофармацевтик нуқтаи назардан баҳолаш учун қуйидаги шарт-шароитлар тавсия этилади: кажава айланиш тезлиги ҳар иккала таблетка учун - 100 айл/дақ, эритувчи муҳит «Мелифлос» таблеткаси учун - тозаланган сув, «Мелтиазид» таблеткаси учун-ишқорий муҳит деб белгиланди. Эритувчи муҳит ҳажми ҳар иккала таблетка учун - 1000 мл. Клиника олди фармакологик тадқиқотлар диуретик таъсири бўйича тавсия этилаётган препаратлар ҳорижий «Гербафоль» препаратидан (Россия Федерацияси) кам эмаслигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Тавсия этилаётган препаратларнинг турғунлиги ва яроқлилик муддатини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар» деб

номланган бешинчи боби тавсия этилаётган таркиб ва технология асосида тайёрланган препаратларнинг турғунлигини аниқлашга қаратилди. Ишлаб чиқилган дори препаратларининг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатларини белгилаш $20 \pm 2^{\circ}\text{C}$ ҳароратда табиий сақлаш шароитида ҳамда “тезлаштирилган эскириш” усулида олиб борилди. «Мелифлос» куруқ экстракти, таблеткаси ва капсуласи ҳамда «Мелтиазид» таблеткасининг яроқлилик муддати турли қадоқларда ўрганилди. Бунда «Мелифлос» куруқ экстракти, таблеткаси ва «Мелтиазид» таблеткаси учун яроқлилик муддати - 3 йил ҳамда «Мелифлос» капсулалари учун - 2 йил деб белгиланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор «Мелифлос» йиғмасидан таъсир этувчи моддаларнинг ажралиб чиқиш кинетикасига турли омилларнинг (экстрагент тури, гидромодуль, хом ашёнинг майдалик даражаси, экстракциянинг давомийлиги ва неча маротаба такроран ўтказилиши) таъсири ўрганилди ва мацерация усули тавсия этилди.

2. Тавсия этилаётган «Мелифлос» асосидаги дори препаратларида ишлатиладиган хом ашёларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ўрганилди. Улар асосида «Мелифлос» куруқ экстракти, таблеткаси ва капсуласи ҳамда «Мелтиазид» комбинирланган таблеткалари таркиби илмий асосланди, уларнинг сифатига таъсир этувчи мезонлар аниқланди ва технологик жараён учун нам донадорлаш усулида яратилди.

3. Тавсия этилаётган препаратларнинг сифат кўрсаткичларини амалдаги МХ талабларига мос келиши ўрганилди ва қониқарли натижалар олинди. Ушбу препаратларнинг таъсир этувчи моддалари миқдорини аниқлаш учун ҳозирги кунда кенг ишлатиладиган физик-кимёвий таҳлил усулларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги кўрсатиб берилди ва амалий жиҳатлари ҳал қилинди.

4. Тавсия этилаётган препаратларнинг биофармацевтик хоссалари *in vitro* ва *in vivo* усулларида ўрганилиб, уларнинг биосамарадор эканлиги исботланди. «Мелифлос» таблеткалари ва капсулалари ҳамда «Мелтиазид» таблеткалари учун «айланма кажава» тезлиги дақиқасига 100 ай/дақ деб танлаб олинди. «Мелифлос» таблеткалари ва капсулалари учун нейтрал муҳит (тозаланган сув) ва «Мелтиазид» таблеткалари учун ишқорий муҳит (0,1 моль/л ишқор эритмаси) танлаб олинди ҳамда муҳит ҳажми барча тавсия этилаётган препаратлар учун 1000 мл деб белгиланди.

5. «Мелифлос» куруқ экстракти ва таблеткаси диуретик фаоллиги бўйича ҳориждан келтириладиган «Гербафоль» препаратига биоэквивалент эканлиги аниқланди ва бу препарат ўрнини босувчи сифатида тавсия қилинди.

6. Барча препаратлар турғунлиги турли қадоқларда табиий усулда ва «тезлаштирилган эскириш» усулида ўрганилди. Сақланиш шароити аниқланиб, «Мелифлос» куруқ экстракти, таблеткаси ва «Мелтиазид»

таблеткалари учун яроқлилик муддатлари 3 йил, «Мелифлос» капсулалари учун - 2 йил деб белгиланди. Натижалар меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топди.

7. Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида «Мелифлос» таблеткалари учун тажриба-саноат регламенти, куруқ экстракт ва таблеткалар учун ВФМ лойиҳалари тузилиб, тиббиёт амалиётида фойдаланишга ва ишлаб чиқаришга руҳсат олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» Давлат унитар корхонасига тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ШАРИПОВА САОДАТ ТУРСУНБАЕВНА

**ФАРМАКОТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗРАБОТКИ
ДИУРЕТИЧЕСКИХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ НА ОСНОВЕ
РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ**

15.00.01 - технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Far17.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный руководитель: | Юнусова Холида Маннановна фармацевтика фанлари доктори, профессор |
| Официальные оппоненты: | Зайнутдинов Хикматилла Суннатович доктор фармацевтических наук, профессор Тагиева Эльмира Исмаиловна кандидат фармацевтических наук, доцент |
| Ведущая организация: | Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт им. А.Султанова |

Защита диссертации состоится « ___ » _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ___) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан « ___ » _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки № ___ от « ___ » _____ 2019 г.).

И.И.Алимджанов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.,
профессор

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.фарм.н., профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.фарм.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире диуретические препараты широко применяются при артериальной гипертензии, приводящей к развитию симптомов сердечной недостаточности. В настоящее время артериальная гипертензия характеризуется как масштабная неинфекционная патология и её распространённость носит эпидемический характер. Так, по данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «данной патологией страдают 20–30% населения мира среднего возраста, а у лиц старше 65 лет распространённость артериальной гипертензии увеличивается почти в 2 раза и достигает 50–65%»¹. В связи с этим, разработка диуретических лекарственных средств из отечественных лекарственных растений, не отличающихся по эффективности от зарубежных аналогов, одна из важнейших задач современной фармацевтической промышленности.

На сегодняшний день во всем мире проводятся научные исследования по определению состава высокоэффективных, безопасных лекарственных препаратов на основе растительного сырья, в частности применяемых для лечения артериальной гипертензии, разработке их инновационных технологий и современных методов анализа, локализации производства. Уменьшение доли лекарственных средств, импортируемых из-за рубежа, расширение ассортимента конкурентоспособных препаратов, производимых на отечественных фармацевтических предприятиях, а также увеличение объемов производства занимает важное место в решении экономических и социальных проблем.

В республике отдельное внимание уделяется развитию фармацевтической промышленности, разработке генерических и оригинальных препаратов, а также их внедрению. В четвертом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, такие как «развитие фармацевтической промышленности, обеспечение населения и медицинских учреждений качественными, безопасными и доступными лекарственными средствами»². Образование экономических производственных зон «Зомин-фарм», «Паркент-фарм», «Сирдарё-фарм», «Косонсой-фарм», «Бустанлик-фарм», «Нукус-фарм», создание инновационных технологий для обеспечения населения лекарственными препаратами с высокой доступностью, локализация производства с использованием передовых современных методов анализа для решения поставленных задач имеет важное значение в качестве приоритетного направления в развития данной отрасли.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Респуб-

¹ Климов А. В., Денисов Е. Н., Иванова О. В. Артериальная гипертензия и ее распространённость среди населения // Молодой ученый. — 2018. — №50. — С. 86-90.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

лики Узбекистан ПП-2647 от 31 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения» и ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», а также указом УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Особого внимания заслуживают работы, проведенные учеными нашей республики Х.М.Комиловым и Ф.Ф.Урмановой, по изучению и стандартизации биологически активных веществ, содержащихся в растениях, применяемых в диссертационном исследовании. В результате проведенных ими всесторонних комплексных исследований предложен сбор «Мелифлос», диуретического действия, имеющий в своем составе два растительных сырья: цветки тысячелистника таволголистного - *Achillea filifoliosa* L. и траву донника лекарственного - *Melilotus officinalis* Desr. В соотношении 1:1; данный сбор разрешен Министерством здравоохранения к применению в практике.

Во всем мире ведутся работы по созданию лекарственных препаратов из растительного сырья. В частности, заслуживают внимания научные работы, проводимые Р.В. Дудкиным, В.В.Кисличенко, А.Н.Темирбулатовой, А.А.Щипановой, С.Н.Башкировой, А.И.Зиновьевым, Н.В.Никитиной, М.М.Мироновой, С.И.Степановой, С.С.Камаевой, K.Siborne, D.Blumberg, G.Visser, B.Noto, R.Beitz, G.BMensink, B.Tisher, M.Thamm, Sun-Myeong Osk, Seung-Sik Hwang, Hoyeon Co, Sungy Park, Jeong-Su Park.

Научные исследования, проводимые в данной диссертационной работе, по разработке состава и технологии препаратов диуретического действия из сбора «Мелифлос» - комплексного фитопрепарата, содержащего прирастающие в Узбекистане тысячелистник таволголистный и донник лекарственный в соотношении 1:1, не проводились.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института «Разработка и внедрение в медицинскую практику оригинальных лекарственных средств на основе местных лекарственных растений и координационных соединений».

Целью исследования является разработка технологий сухого экстракта, таблетированных и капсулированных лекарственных форм на основе сбора «Мелифлос», обладающего диуретическим действием.

Задачи исследования:

подбор научно-обоснованных составов и технологий препаратов в форме сухого экстракта, таблеток и капсул, обладающих диуретическим действием, изучение факторов, влияющих на качество готовой продукции и определение основных критериев технологий производства;

разработка методов количественного определения действующих веществ в предлагаемых препаратах;

изучение фармакотехнологических свойств таблеток и капсул, полученных по предлагаемому составу и технологии, в опытах *in vitro*;

установление условий хранения и сроков годности предлагаемого сухого экстракта, таблеток и капсул;

подготовка нормативно-технической документации для получения разрешения на применение в медицине и производство предлагаемых лекарственных препаратов и предоставление в ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, медицинских изделий и медицинской техники» МЗ РУз.

Объектом исследования служил сбор «Мелифлос» - комплексный фитопрепарат, содержащий в своем составе два растительных сырья: цветки тысячелистника таволголистного - *Achillea filifoliosa* L. и траву донника лекарственного - *Melilotus officinalis* Desr. в соотношении 1:1, дихлотиазид и лекарственные формы на их основе.

